




МУРАДЛИМ

ХЭМ

ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

Илмий-методикалык журнал № 3/2



Нөкис - 2021

МУГАЛЛИМ ХЭМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРҮҮ



ISSN 2181-7138

№ 3/2 2021 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӨЛЕҰОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Батырбек КАИПБЕРГЕНОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестиріушілер:

**Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириу
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз хэм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гууалық
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uznipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz**

Журналға келген мақалаларға жууан қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған узиндилер «Мугаллим хэм узликсиз билимлендириу» журналынан алынды, деп көрсетилуи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жууанкер.

MAZMUNY

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ТАСВИРИЙ САНЪАТ

Ҳожиёв Р. Б., Норбоева Д.О. Ёшлар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш концепциялари	4
Ismatov U.Sh. Bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarini turli grafik materiallarda ishlashga o'rgatish (tempera bo'yog'i misolida)	12
Berdiyev O. Tasviriy san'at va chizmachilik darslarida o'quvchilar duch keladigan ayrim masalalarning amaliy faoliyatdagi yechimlari	15
Baymetov B.B., Xamroqulova M. Talabalarni boshshaklini tasvirlashga o'rgatishda konstruktiv qurilish qonuniyatlaridan foydalanish texnologiyalari	18
Abduxamidov S.M., Shadiyev A.Ya. Sog'lom turmush tarzini shakllantirishda jismoniy tarbiya va sportning bugungi kundagi o'rni	22
Ismatov U.Sh. Rangtasvir mashg'ulotlarida maishiy janrning ifodalanishi	25
Марасулова И.М., Зулфияев Р.Н. Ўқувчилар таълим-тарбияси жараёнида тасвирий санъат ўқитувчисининг ўрни	28
Абдуллаева Г.С. Формирование ключевых компетенций у студентов с особыми образовательными потребностями через применение ИКТ	31
Мухитдинова М.С. Нуткида оғир нуқсонли болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишларни олиб боришда мусика машгулотларининг имкониятлари	35
Султанов Х.Э., Марасулова И.М., Юнусова К.Х. Педагогик инновацион кластери: Чирчиқ тажрибасининг илк натижалари	37
Султанов Х.Э., Махмудов М.Ж. Ўқувчиларни тасвирий санъат фанига қизиқтиришдаги ўқитувчининг маъсулияти	42
Қаюмов Х. А., Қо'қийев В. В. Quruvchi muhandislarni tayyorlashda muhandislik grafikasi ta'limini kompyuter texnologiyasi bilan integratsiyalash	46
Махмудова М.Т. Развитие музыкальной тематики и ее актуальность в изобразительном искусстве Узбекистана	48
Марасулова И. М. Эстетическое воспитание молодежи для общества	52
Sobirov S. T. Bolalar uchun nashrlarda illyustratsiyalarning vazifalari	54
Sobirov S. T. Talabalarda yuksak axloq, kasbga sadoqat kabi insoniy fazilatlarini shakllantirish va ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirishda to'garaklarning o'rni	59
Муратов Х. Х. Ўқув жараёнида мустақил таълимни ташкил этиш ва бошқаришнинг долзарблиги	61
Атаханова С.О. Масофали ўқитиш технологиясининг чизмачиликни ўқитишдаги амалий аҳамияти	65
Атаханова С.О. Чизмачилик фани бўйича ўқувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштиришда муаммолар таълим технологиясидан фойдаланиш омиллари	69
Султанов Х.Э. Таълим муассасалари ҳамкорлигининг кластерли моделини ташкил этиш	73
Қо'қийев В.В. Yordanchi proyeksiyalash usulidan foydalanib yaqqol tasvir qurish	76
Махмудова М.Т. Влияние музыки на изобразительного искусства	81
Махмудова М.Т. Роль и значение музыки в воссоздании изображения	85
Қо'қийев В. В., Mahmudov M. J. Ijodkorlikni rivojlantirish chizama geometriya fani misolida	88
Қо'қийев В. В., Qozoqboyeva D. T. Yordamchi proyeksiyalash usuli orqali yechiladigan masalalar	91

Jumayev I.O. Chizmalarni AutoCAD dasturida chizishda dasturning mavjud murakkabliklarini qo'lda chizishga moslashtirish (o'rgatish) usullari	94
Jumayev I.O. Muhandislik grafikasi fanlarida uch o'lchamli fazoni Auto CAD dasturidan foydalanib qo'llash usullari va ahamiyati	99
Xalimov M., Bekqulov Q. Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyati	102
Bekqulov Q.Sh. O'quvchilar yo'l qo'yadigan tipik xatolarni tizimga solish va prognoz qilish oldini olish choralari	105
Bekqulov Q.Sh., To'laganova H. Muhandislik grafikasi fanlarida talabalar chizma bajarishda yo'l qo'yadigan tipik xatolar	107
Bekqulov Q.Sh., To'laganova H. Chizmachilik fanidan o'quvchilarning fazoviy tasavvurini oshirishda tugallanmagan chizmalardan foydalanish	111
Bekqulov Q.Sh., Boizaqova Sh.A. Muhandislik grafikasi fanlarini boshqa fanlar bilan bog'liqligi	113
Boizaqova Sh.A., Bekqulov Q.Sh. Ko'rinishlar mavzusini tushuntrishda detal modelini o'ziga qarab o'rganishning ahamiyati	117
Анкабаев Р. Т. Тасвирий саънатда машгулотларида иллюстрация ўргатишнинг аҳамияти	120
Бахриев И.С. Бўлажак тасвирий саънат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанининг назарий асослари	122
Атажанова Р. Р. Возможности уроков изобразительного искусства в развитии творческих способностей младших школьников	126
Бахриев И.С. Бўлажак тасвирий саънат ўқитувчиларини касбий тайёрлашда композиция фанини ўқитилишининг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш	128
Xalimov M. Chizmachilik fanini o'qitishda interaktiv metodlarni qo'llash zaruriyati	133
Achilov N. N. AutoCAD dasturi yordamida talabalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish yaqqol tasvirlarni bajarish asosida	136
Анкабаев Р.Т., Миржалилов М. Б. Тасвирий саънатда машгулотларида миниатюрани ранг тасвирини ўргатишнинг аҳамияти	141
Achilov N. N. Ko'rgazmali qurollardan foydalangan holda talabalarda ijodiy qobiliyat va dars samaradorligini oshirish yo'llari	145
Saydaliyev S.S., Nig'manov B.V., Achilov N.N. Arxitekturada inson va fazo	149
Ҳоҷиев Р. Б. Норбоева Д.О. Ёшларнинг ижтимоий қатлам сифатида мавжудлигининг онтологик асоси	155

8. Jabbarov Rustam Ravshanovich Yelectronic textbook program on the subject “Applied arts and decorative arts”, 2018/11/21, No. DGU 05781, DGU 2018 0795.

9. Talipov Nozim Khamidovich, Talipov Nigmatjon Nozimovich; Yuldasheva Nilufar Ibrohimovna; Jabbarov Rustam Ravshanovich; Muratov Xhusan Kholmuratovich. Development of students' creative abilities through teaching “landscape painting”. Journal of Critical Reviews. ISSN- 2394-5125. Vol 7, Issue 6, 2020. –pp. 227-229.

10. Botir Boltabaevich Baymetov, Xusan Xolmuradovich Muratov. Tasviriy san'atdan amaliy mashg'ulotlarida talabalarning tasvirlash mahoratlarini takomillashtirish texnologiyalari. Science and yeducation scientific journal. VOLUME 2, ISSUE 1. 2021. 349-356.

РЕЗЮМЕ

Ўқитишнинг кредит-модул тизими орқали талабаларни замон талабларига рақобатбардош мутахассис қилиб етиштириш. Талим жараёнини мустақил билим олиш асосида, янгича кўринишларда ташкил қилиш. Талабалар мустақил ишларини ташкил қилишга ва ўтказишга қўйилаётган талаблар. Мустақил таълимни бошқариш тизимини яратиш, уни тўлиқ рақамлаштириш, мустақил таълимни назорат қилиш ва натижаларини таҳлил қилиб бориш каби масалар ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

Подготовить студентов к конкурентоспособным профессионалам в соответствии с современными требованиями через кредитно-модульную систему обучения. Организуйте учебный процесс по-новому, основываясь на самостоятельном обучении. Требования к студентам по организации и ведению самостоятельной работы. Будут обсуждены такие вопросы, как создание независимой системы управления образованием, ее полная цифровизация, мониторинг независимого обучения и анализ результатов.

SUMMARY

To train students to be competitive professionals in line with modern requirements through the credit-module system of yeducation. Organize the learning process in a new way, based on independent learning. Requirements for the organization and conduct of independent work of students. Issues such as the creation of an independent yeducation management system, its full digitization, monitoring of independent learning and analysis of the results will be discussed.

МАСОФАЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЧИЗМАЧИЛИКНИ ЎҚИТИШДАГИ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Атаханова С. О.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти,
“Тасвирий санъат” кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: масофали ўқитиш технологияси, масофали таълим, ахборот ва компьютер технологияси, замонавий таълим, чизмачилик, яққол тасвир, проекция элементлари.

Ключевые слова: технология дистанционного обучения, дистанционное образование, информационная и компьютерная технология, современное образование, черчение, наглядное изображение, элементы проецирования.

Key words: distance learning technology, distance education, information and computer technology, modern education, drawing, visual image, projection elements.

Жамият тараққиётининг бугунги кундаги ҳолати, бевосита таълим технологияларининг такомиллашуви даражаси билан характерланади. Айниқса, ахборотни тўплаш, уни қайта ишлаш ва узатиш тизимида тобора янги ўзгаришлар ва технологияларнинг ривожланиши кучайиб, шунингдек, такомиллашиб бормоқда. Инсонларда ахборот ва коммуникацион технологиялар, ҳамда замонавий компьютер технологиясидан мақсадли фойдаланишга бўлган эҳтиёж тобора кучаймоқда ва улар янада такомиллашмоқда.

Таълим соҳасида улардан унумли ва мақсадли фойдаланиш, ўқитиш сифатини янада оширишга, талабаларнинг фикрлаш доирасини янада кенгайтиришга, улардаги мустақил ўзлаштириш фаолиятини янада кучайтиришга бўлган талаб, ҳозирги шиддатли замоннинг долзарб масаласига айланиб қолди.

Ўзимизнинг замонавий инновацион педагогик технологияларимиз асосида “Инно-

вацион мактаб”лар тизимини яратиб, уларда барча предметларни ўқитишда, ахборот - коммуникацион технологияларидан унумли ва мақсадли фойдаланишимиз зарурдир. Ана шунда “ўқитувчи –ўқувчи” тизимининг ўрнига, ўқув жараёни учун янада илғорроқ бўлган “ўқитувчи – компьютер – ўқувчи” тизими юзага келади. Натижада эса, ўқитувчи энди ўзининг билим ахборотларини етказувчи ягона марказ эмас, балки ахборот технологияларини самарали қўллаш билан, масофавий таълим берувчи ва оловчи шахснинг имкониятига эга бўлиб бормоқда.

Интернетнинг дунёга кириб келиши ва унинг ривожланиши телефон ёки телевидение эмас, балки компьютер технологиясининг ривожига эвазига бўлмоқдадир. Бугунги кунда бу соҳадаги ривожланиш, бошқа соҳалардаги ривожланишлардан анча олдинга илгариллаган ва соҳанинг ўсиш суръатлари анча тезкор десак, асло янглишмаган бўлаемиз.

Бугунги кунда таълим – тарбия жараёнини ташкил этиш учун жуда муҳим бўлган ахборот – коммуникацион технологиялари тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин бўлади: ахборот технологияларига дидактик ёндашув, ахборот ва педагогик технологиялар, масофали ўқитишда чизмачилик дарсларидаги таълим - тарбиялар.

Таълим жараёнида ахборот технологияларининг бир қатор дидактик имкониятлари мавжуд. Замонамизнинг талаб - эҳтиёжларига кўра, ахборот ва компьютер технологияларига, таълим муассасаларининг ўқув жараёнини тизимлаштирувчи, уларни бир – бири билан боғловчи амалий - ташкилий омил сифатида қаралишининг тўғрилигини ҳозирги вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ахборот технологиялари ахборот – ресурс марказлари, хужжатлар ва ўқувчиларнинг ижодий ишлари каби ахборотлар жамланмаси, маълумотларнинг базасини тузиш, таълим жараёнини тизимлаштириш, ўқувчиларнинг амалий - ижодий ишларини ташкил қилиш имконини беради.

Кундан - кунга масофавий тармокнинг курслари ва танловлари тобора оммалашиб бормоқда. Ўқитувчи энди ўз билим ахборотларини етказувчи ягона марказ эмас, балки ўқув жараёнига компютер технологияларини қўллаш билан, масофавий таълим бериш ва олиш имкониятига эга бўлиб бормоқда.

Ахборот технологияси воситалари талабага ўз тасаввурларини “электрон кўриниш”да намоён этиш ва ўз маҳсулотининг рақобатдошлигини, ўз ғояларининг оммавийлигини текшириш имконини беради. Талабага ҳақиқий қизиқарли ва ўзига хос ресурс яратиш учун, у албатта, биринчи навбатда, барча маълумотларни ўрганиб чиқиши, унинг талаблари руҳиятининг хусусиятларини сезиши, ресурснинг янгилигини белгилаши ва амалий аҳамиятини англаб етиши зарурдир. Буларнинг барчаси талабанинг ўз билимдонликларини шакллантиришга, унинг ҳаётдаги амалий йўналишини белгилаш малакаларига тегишлидир.

Масофали ўқитишда, ўқитувчи дарс жараёнини компьютерлар, сунъий йўлдош алоқаси, кабелли телевидение каби воситалар асосида ташкил қилиниши талаб қилинади.

Масофали ўқитиш шаклининг анъанавий шаклларида афзалликлари қуйидагилардир:

1. Ўқитишнинг ижодий муҳити. Анъанавий методлар асосида таълим беришда ўқувчи фақат берилган материални ўзлаштиради. Масофали ўқитиш услуги асосида эса, ўқувчиларнинг ўзлари ахборотлар омборидан керакли бўлган маълумотларни қидириб топиш ва ўзларининг тажрибаларини бошқа ўқувчиларга ўргатиш ва тажриба алмашиш имкониятига эга бўладилар.

2. Иш жойидаги катта ўзгаришларнинг мавжудлиги. Масофали ўқитиш услуги асосида таълим бериш турли ўқувчиларга (айниқса, ишлаб чиқаришдан ажралмасдан билим олаётган талабаларга) жуда кенг шароит яратиш беради.

3. Ўқитиш ҳамда таълим олишнинг янги ва унумли воситаси. Статистик маълумотлар шунини кўрсатмоқдаки, масофали ўқитиш услуги асосидаги таълим ўта унумлидир. Бундай услубда таълим олаётган ўқувчиларнинг устунлиги уларнинг энг яхши ва сифатли

дидактик материаллар ҳамда салоҳиятли ўқитувчилар билан таъминланишидир. Ушбу услубда ўқувчилар Интернет тармоғи орқали жаҳон янгиликлари билан танишишлари ҳам мумкин бўлади.

Масофали ўқитишда ташкилий - услубий моделларни амалга ошириш кетма - кетлиги куйидагича бўлади:

1. Кейсларга комплект қилинган ва ўқувчи (талаба)ларга мустақил ўрганиш учун юборилган тизимлаштирилган ўқув - услубий материалларининг (кейс - технологиянинг) мавжудлиги, вақтнинг ўтиши билан кейслар мазмунларининг ўзгартириб борилиши, уларни магнит ташувчилари ва ёзувлари билан тўлатилиши, машғулотларни ўтказиш ва амалий бажариш учун телевизион (ТВ) технологиясини қўллай бошланиши кабилардир. Бунда ўқувчилар, даврий равишда, ўқув марказларида фаолият юритаётган тьюторларнинг кундузги маслаҳатларига келиб турадилар.

2. Мультимедиали ўқитиш (бундай технологияда, ўқитувчи маслаҳатчи фаолиятида бўлади ва бунда кейслар, ўйинли вазиятлар, имитацияли моделларнинг бўлиши тақозо этилади).

3. Тармоқланган масофали ўқитиш (биринчи пунктни ўзида мужассамлаштирган) – масофадан бошқариш, шу жумладан, хорижий ўқув юртларининг ўқитувчилари билан мулоқот қилиш имконини таъминлайди.

4. Виртуал университет (масофали ўқитишни ташкил этишнинг энг юқори шаклидир, масалан, Европа иттифоқи виртуал университети).


Масофали ўқитиш – ўқитувчиларнинг малакасини доимий ошириб боришда ва уларни қайта тайёрлаш тизимида кам ҳаражатлидир, бу усул анъанавий ўқитиш тизимига қараганда, анчагина самарали ҳамда истиқболли методлардан бири ҳисобланади.

Куйида чизмачилик фанининг баъзи мавзуларини график кўринишдаги ахборотларни компютер орқали юбориш ёки масофали графикавий ўқитиш кўриб чиқилади.


Мавзу: Деталнинг берилган иккита кўриниши бўйича унинг чапдан кўриниши бажарилсин (1-чизма).

1. Деталнинг чапдан кўринишини аксонометрик проекция (яққол тасвири) ёрдамида аниқлаш.

а) деталнинг берилган иккита кўриниши сканер ускунаси ёрдамида компютер монитори (экранга) олиб ўтилади (иложи бўлса иккала кўриниш компютерда чизиб чиқилиши мумкин). Деталнинг ҳар бир элементи $A(A', A'')$, $B(B', B'')$, $C(C', C'')$ кўринишида белгилаиб чиқилади (1- чизма).



1-чизма




2-чизма

б) деталнинг остки қисми параллелепипеднинг яққол тасвири фронтал диметрияда чизиб олинади ва ундан детал бош кўринишининг ўнг томониغا эни X ва баландлиги Z ўлчамда чизилади (2 - чизма).


с) деталнинг $B(B',B'')$ элементи A асосининг устига чизиб чиқилади (3-чизма).

д) деталнинг энг устки қисми $C(C',C'')$ цилиндр унинг B элементи устига чизилади (4 - чизма).


е) барча ёрдамчи чизиклар ўчирилса, 5 - чизмадаги кўринишга эга бўлади. Натижада, деталнинг учта кўриниши, яъни комплекс чизмаси ҳосил бўлади.



3-чизма



4-чизма



5-чизма

Юқоридagi баён этилганлардан шундай хуласага келиш мумкинки, таълим – тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришда, компьютер технологиясининг муҳим ажралмас қисми ҳисобланган масофали таълимни қўллаш бугунги куннинг долзарб муаммоси саналади. Масофали таълимда ҳар томонлама - ҳам тежамкорликдан, ҳам вақтдан, ҳам сифат кўрсаткичи жиҳатларидан ютиш имкониятлари кўп бўлади ва бу эса ҳозирги замоннинг талабидир.

Адабиётлар:

1. Борисенко И.Г., Головина Л.Н. Повышение эффективности самообразования путем применения дистанционного метода обучения. Вестник Иркутского государственного технического университета. – 2019. – № 7 (57). – С. 71-111.
2. Борисенко И. Г. Инновационные технологии в преподавании технического черчения формировании профессиональных компетенций. Вестник Иркутского государственного технического университета. – 2019. – № 9 (67). – С. 152 – 169.
3. Исаева Т. Преподаватель как субъект качества образования. Высшее образование в России. - 2016. -№4. – С. 37 - 55.
4. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 81 б.
5. Orinbaevna A. S., Mukhamatsultonovna M. I., Sergeevich P. D. (2020). Psychological and pedagogical problems of spatial thinking development in drawing lessons. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (1) Part II, -p 1-5.
6. Ornbaevna A. S. (2020). Descriptive geometry and modern possibilities in the process of studying it. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (11), -p 90-94.
7. Sultanov Xaytboy Eralievich, Ataxanova Svetlana Orinbayevna, Xalilov Ruslan Shavkatovich. The importance of exhibitions and competitions in organizing fine art clubs in schools. (2020). Journal of Critical Reviews, 7 (15), -p 2519-2523.
8. Atakhanova Svetlana Ornbaevna, Chubarova Galina Andreevna (2020). Improving the quality of teaching draft geometry in universities. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (12), Part III, -p 148-151.
9. С.О. Атаханова, Г.А. Чубарова. Повышение качества преподавания начертательной геометрии в вузах. Maktab va hayot. –№2. –2020. – С. 22.
10. С.О. Атаханова. “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда модул-кредит тизимининг имкониятлари. Academic research in educational sciences. –№3. –2020. –1022 б.
11. S.O. Ataxanova. “Chizma geometriya va chizmachilik” fani bo'yicha nazorat ishlarini o'tkazishda matnli testlardan foydalanish. Academic research in educational sciences. –№1. –2020. –151 б.

Ушбу мақолада, масофали ўқитиш технологиясининг ҳозирги замондаги таълим – тарбия жараёнини ташкил этиш учун бўлган катта имкониятлари ва аҳамияти ҳақида фикрлари ёритилган.

Шунингдек, бу методни қўлланишда, ўқитувчининг фаолияти нималардан иборат бўлиши, талабаларнинг билим олиш фаолиятида нималар ўзгариши ҳақида фикрлар ҳам берилган.

Чизмачилик фани бўйича талабаларга машғулотларни масофали ўқитиш технологияси асосида ташкил этишга яққол мисол келтирилган.

В статье освещены точки зрения автора по одной из современной передовой педагогической технологии – технологии дистанционного обучения. Также, приведена точка зрения о деятельности преподавателя при внедрении данной технологии в учебный процесс и даны взгляды по изменению деятельности студентов при применении данной технологии обучения.

Приведены конкретные примеры по черчению о том, каким образом организовать занятия в условиях применения в учебном процессе дистанционного метода обучения.

The article highlights the author's point of view on one of the modern advanced pedagogical technologies – the technology of distance learning. The author also gives a point of view about the activity of the teacher when implementing this technology in the educational process and gives views on the change in the activity of students when using this technology of teaching.

Specific examples of drawing on how to organize classes in the context of using the distance learning method in the educational process are given.

ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИ БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛАШТИРИШДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Атаханова С.О.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти,
“Тасвирий санъат” кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: чизмачилик, анъанавий усул, муаммоли вазият, таббий муаммо, сунъий муаммо, замонавий таълим, муаммоли таълим технологияси, педагогик ва методик муаммо ва тавсиялар, мустақил фикрлаш, натижадорлик, мустақил изланиш, билиш жараёни, мустақил қарор қабул қилиш.

Ключевые слова: черчение, традиционный метод, проблематичное положение, естественная проблема, искусственная проблема, современное образование, педагогическая и методическая проблемы и рекомендации, самостоятельное мышление, результативность, самостоятельный поиск, процесс познания, самостоятельное принятие решения.

Key words: drawing, traditional method, problematic situation, natural problem, artificial problem, modern education, pedagogical and methodological problems and recommendations, independent thinking, effectiveness, independent search, cognition process, independent decision-making.

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири, бу ортқича рухий ва жисмоний кучларни сарф этмасдан, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдан иборатдир. Таълим бериш жараёнидаги замонавий самарадор ўқитиш технологияларидан бири – бу муаммоли ўқитиш таълим технологияси ҳисобланади. Муаммоли таълим технологияси ижодий, фаол шахс тарбиясининг мақсадларига тўлиқ мос келиши билан характерлидир.

Муаммоли таълим технологиясини тавсифловчи элементи сифатида муаммоли вазиятни кўрсатиш мумкин бўлади. Муаммоли вазиятнинг белгилари эса қуйидагилар ҳисобланади:

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы Қарақалпақстан
филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 3-2**
Нөкис — 2021

Басып шығыўға жуўапкер:

А. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 12.03.2021. Форматы 60x84¹/₁₆

«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шэрти б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.

Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51

